

Абу Ҳафс, сенга ёрдам келди



08:00 / 12.11.2020 1569

Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик йилларидан бирида қаҳатчилик бўлди. Умар розияллоҳу анҳу одамлар билан чиқиб, истисқо намозини ўқидилар. Кийимларини тесқари қилиб, ўнгини чапига, чапини ўнгига алмаштирдилар. Кейин қўлларини кўтариб, «Аллоҳим, Сендан мағфират сўраймиз! Бизга ёмғир ёғдиргин», деб дуо қилдилар. Қўлларини юзларига тортар-тортмас, ёмғир ёға бошлади. Шу онда бир неча араблар Умар розияллоҳу анҳунинг ёнига келиб, «Эй мўминларнинг амири, биз саҳрода эдик, устимизга бир булут келди. Ундан шундай овоз чиқаётганини эшитдик: «Эй Абу Ҳафс, сенга ёрдам келди! Эй Абу Ҳафс, сенга ёрдам келди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан